

## **ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ, КАФОЛАТЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

**Ашурова Мухайё Ахтамовна,**  
юримдик фанлар номзоди

### **АННОТАЦИЯ**

Ҳимояга бўлган ҳуқуқ шахс ҳуқуқий мақомининг асоси бўлиб хизмат қилади, давлат ва шахс ўртасидаги давлат-ҳуқуқий муносабатлар мазмунининг элементи бўлиб хизмат қилади, конституциявий хусусиятга эга.

Шахсларнинг тегишли ҳуқуқлари уларнинг субъектив ҳуқуқлари ҳисобланиб, бу ҳуқуқлар объектив ҳуқуқ нормаларида ифодаланиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Айнан, объектив ҳуқуқ нормалари (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)да фуқаролик ҳуқуқи субъектларига тегишли ҳуқуқларнинг мазмуни, уларни амалга ошириш шартлари, ҳимоя қилиш асослари, кафолатлари ва усуллари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқни ҳимоя қилишда субъектга тегишли бўлган муайян ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш эркинлигини ва бошқа шахсларнинг субъектга тегишли ҳуқуқни бузишга бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатини (қонуний ҳатти-ҳаракатлар бундан мустасно) тақиқловчи ҳамда ҳуқуқ бузилганида муайян усуллар орқали субъектга тегишли ваколатларини бериш ҳисобланади.

**Калим сўзлар:** мулк, мулк ҳуқуқи, мол-мулк, хусусий мулк, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари

### **ABSTRACT**

*The right to protection serves as the basis of a person's legal status, serves as an element of the content of state-legal relations between a state and a person, and has a constitutional nature. It is known that the relevant rights of individuals are considered their subjective rights, and these rights are significant as they are expressed in objective legal norms. It is precisely in the objective legal norms (normative legal documents) that the content of the rights belonging to the subjects of civil law, the conditions of their implementation, the grounds of protection, guarantees and methods are expressed. In the protection of the right, the freedom to perform certain actions belonging to the subject and any actions of other persons to violate the right belonging to the subject (except for legal actions) is prohibited, as well as to give the authority to the subject through certain methods in case of violation of the right.*

**Key words:** property, property rights, private property, protection of private property rights, methods of rights protection

## **КИРИШ**

Маълумки, шахсларнинг тегишли ҳуқуқлари уларнинг субъектив ҳуқуқлари ҳисобланиб, бу ҳуқуқлар объектив ҳуқуқ нормаларида ифодаланиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Айнан, объектив ҳуқуқ нормалари (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)да фуқаролик ҳуқуқи субъектларига тегишли ҳуқуқларнинг мазмуни, уларни амалга ошириш шартлари, ҳимоя қилиш асослари, кафолатлари ва усуллари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқни ҳимоя қилишда субъектга тегишли бўлган муайян ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш эркинлигини ва бошқа шахсларнинг субъектга тегишли ҳуқуқни бузишга бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатини (қонуний ҳатти-ҳаракатлар бундан мустасно) тақиқловчи ҳамда ҳуқуқ бузилганида муайян усуллар орқали субъектга тегишли ваколатларини бериш ҳисобланади.

Одатдаги (нормал) фуқаролик муомаласи субъектга муайян ҳуқуқлар тегишлилигини эмас, уларни ишончли ҳимоя қилинганлигини таъминланганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Умумий қоидага кўра, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда, ҳуқуқларнинг нормал амалга оширилишини таъминловчи чоралар йиғиндиси тушунилади. Унинг таркибига субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарурий бўлган шароит ва муҳитни яратишга қаратилган нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий, сиёсий ва бошқа тусдаги чоралар киради. Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий чоралари жумласига эса, фуқаролик муомаласининг нормал, бузилмаган ҳолда ривожланиши таъминланишига ёрдам берувчи барча чоралар киради, масалан, субъектларнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини мустаҳкамлаш, мажбуриятларни белгилаш, бузилган ҳуқуқлар ёки путур етказилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тиклаш<sup>1</sup>.

Ҳимоя қилишнинг бундай кенг тушунчаси билан бирга фанда ва қонунчиликда бу атаманинг тор маънодаги тушунчаси ҳам қўлланилади. Бунда фақатгина фуқаролик ҳуқуқларини ва қонуний манфаатлари бузилганда ёки уларга путур етказилганда, уларни тиклаш ёки тан олиш чораларигина қўлланилади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Хусусий мулк ҳуқуқини субъектив фуқаролик ҳуқуқи сифатида ҳимоя қилиш чоралари мамлакатимиз қонунчилигида ўз ифодасини топган бўлиб, мазкур чораларнинг устувор асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли нормаларда ўз ифодасини топган. Хусусан,

<sup>1</sup> Гражданское право. Т.1./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Проспект.2003.-335 с.

Конституциянинг 41-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги белгиланганлиги, хусусий мулкка эга бўлишининг қонуний асоси ва кофалатининг дебочасидир. Мазкур норма шахснинг муайян моддий неъмат ва ашёга нисбатан хўжалик ҳукмронлигини қўлга киритишга нисбатан қонуний ҳаракатларига нисбатан ҳар қандай тўсқинликни рад этишни назарда тутди. Шу билан бирга, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, унинг шу мақсадни кўзлаб амалга оширадиган ҳаракатларини чеклаш ёки уни бу ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини маҳрум қилишни тақиқловчи қонуний чора ҳисобланади. Шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги фуқаролар ва юридик шахслар мулквий ваколатларини амалга оширишни тақозо этади. Зеро, бундай имконият (ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги) шахснинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини нормал ва бузилишларсиз амалга оширишини таъминлашга қаратилган чора ҳамдир.

Мулкдор бўлиш имкониятининг қонуний мустаҳкамланганлиги субъектив фуқаролик ҳуқуқи ҳисобланган хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг дастлабки кафолатидир. Хусусий мулк эгаси ҳар доим Конституциянинг 41-моддасига таяниб, ўз мол-мулкни ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилишга ҳақли.

Мамлакатимиз Асосий қонунининг 65-моддасига мувофиқ, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Хусусий мулкка нисбатан белгиланган “дахлсизлик ва давлат ҳимоясида бўлишлик” хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш чоралари орасида ўзига хос ўринга эга. Биринчи навбатда “дахлсизлик” деганда, шахснинг ўзига ёки муайян ҳуқуқларига нисбатан қонунга зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар билан у ёки бу даражада таъсир ўтказишни тақиқловчи қонуний чоралар мажмуи назарда тутилади. Иккинчидан, “дахлсизлик” – ҳуқуқ субъектига тегишли ва унинг ваколатлари остида ҳамда хўжалик ҳукмронлигидаги объектнинг ҳар қандай ҳуқуқбузарликлардан холи бўлишини қонун билан таъминланганлигини ҳам англатади. Конституциянинг 65-моддасида белгиланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳам, мулкдорга тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг ҳар қандай бузилиши ва у билан боғлиқ манфаатларга ҳар қандай путур етказилишининг тақиқланишини ҳамда хусусий мулк ҳуқуқи у кимга тегишли бўлишидан қатъи назар фақатгина қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардаги бекор қилиниши мумкинлиги қонунда ҳам хусусий мулкнинг дахлсизлигининг мазмунини ифода қилади. И.Зокиров ва М.Баратовларнинг фикрича, мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган

барча субъектларнинг унинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдор қонун йўл қўйган асосларда, доирада ўз мол-мулкига ўзи эгалик қилади, ўзи фойдаланади ва ўзи тасарруф этади. Бу мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқидир. Унга ташқи томондан тайзиқ ўтказишга, унинг ички ишларига аралаштишга, мол-мулкни олиб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳаттоки мулкдорнинг ўз ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиши ҳам унинг мулк ҳуқуқини бекор қилмайди<sup>2</sup>. А.Мухаммадиевнинг фикрича эса, мулкнинг дахлсизлиги деганда, мулкдорга тегишли мол-мулкни қонуний асосларсиз ва суд қарорисиз ҳеч ким олиб қўйишга, мулк ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслигига ва мулкдорнинг ҳамма вақт ҳам мол-мулкка нисбатан хўжалик ҳукмронлиги амалда бўлишига айтилади<sup>3</sup>.

Е.А.Сухановнинг таъкидлашига кўра, мулкнинг дахлсизлиги хусусий мулкда ҳам оммавий мулкда ҳам мулкдорнинг ўзига тегишли мол-мулкни фақат ўзининг манфаатлари йўлида, мол-мулкнинг ўзбошимчалик билан олиб қўйилиши ёки ундан фойдаланишнинг ўзбошимчалик билан чекланишидан хавфсирамаган ҳолда фойдаланишнинг таъминланганлигини, ҳамда шунга доир чораларнинг белгиланганлигини билдиради<sup>4</sup>.

Т.И.Илларионова фикрича, мулкнинг дахлсизлиги мулк ҳуқуқини вужудга келиши, амалга оширилиши ва бекор бўлишининг шундай механизмларини танлашни назарда тутадими, улар ёрдамида биринчидан, бошқа мулкдорлар манфаатларининг дахлсизлиги таъминланади, иккинчидан, агар мулк ҳуқуқи бузилган бўлса уни тиклаш мустаҳкамланади<sup>5</sup>.

Н.Д.Егоровнинг эътироф этишича мазкур тамойил (мулкнинг, биринчи навбатда эса, хусусий мулкнинг дахлсизлиги – таъкид бизники), иқтисодиётдаги мулкнинг тартиб асосини англатади. Зеро, фуқаролик ҳуқуқи нормалари хусусий мулкка нисбатан ҳар ким томонидан, шу жумладан давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан бўладиган тайзиқлардан ҳимоя қилади<sup>6</sup>.

Мазкур фикрларнинг барчаси мулкнинг дахлсизлигини у ёки бу жиҳатининг аҳамиятлилигидан келиб чиқиб, мулкдорга тегишли хусусий мулкнинг ҳар доим қонун ҳимоясида эканлигини ва фақатгина унинг розилиги

<sup>2</sup> Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулкдор ким?-Т.:ТДЮИ.2003.-11-12 б.

<sup>3</sup> Мухаммадиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиш. Автореф. дисс...ю.ф.н.-Т.:2006.-10 б.

<sup>4</sup> Гражданское право: В 2-х т. Т.1. Учебник./Отв. ред. Е.А.Суханов (Автор этой главы Е.А.Суханов). - М.: БЕК.1998.-39 с.

<sup>5</sup> Гражданское право. Часть первая./Под ред. Т.И.Илларионова, Б.М.Гонгалов, В.А.Плетнева (автор этой главы Т.И.Илларионова).-М.:Норма-Инфра.1998.-28 с.

<sup>6</sup> Гражданское право. Т.1./Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.-М.:Проспект.2003.-29-30 с.

билангина (қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) хусусий мулк ҳуқуқи ундан бегоналаштирилиши мумкинлигини назарда тутлади.

ФКнинг 164-моддасида мулк ҳуқуқи, хусусан хусусий мулкни ҳимоя қилишга қаратилган энг муҳим қоидалар белгиланган. Мазкур нормага мувофиқ, мулк ҳуқуқи шахсинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир. Мазкур нормадаги «ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир» - жумласи хусусий мулк ҳуқуқини бевосита ҳимоя қилишни назарда тутувчи чора ҳисобланади. Бу вазиятда мулкдор мутлоқ ҳуқуқ соҳиби сифатида ўзининг мулк ҳуқуқини бузмасликни исталган шахсдан талаб қила олади ва бунда мулкдорнинг ўз ҳуқуқини талаб қилиш доираси шахсларга нисбатан чекланмаган бўлади.

Хусусий мулк ҳуқуқи муддатсизлиги ҳам уни ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган қоида ҳисобланади. Зеро, бу қоидага кўра, шахсга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ашёнинг унинг хўжалик ҳукмронлиги остида бўлишига нисбатан муайян муддати белгиланмайди. Ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиб турсада, шу ашё йўқ бўлиб кетгунга қадар мавжуд бўлади<sup>7</sup>.

Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш асоси ва кафолатларидан яна бири сифатида ФКнинг 207-моддаси 2-қисми ва 209-моддасини эътироф этиш мумкин. Зеро, мазкур нормаларда, хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги, қонун билан ман этилган айрим ашёлардан ташқари ҳар қандай мол-мулк хусусий мулк бўлиши мумкинлиги белгиланган бўлиб, бу қоидалар хусусий мулк ҳуқуқи ва уни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир.

ФКнинг 11-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар билан ҳимоя қилинади:

- ҳуқуқни тан олиш;
- ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш;

<sup>7</sup> Аль-Марашдех Фахед Ахмед Халаф. Право собственности граждан по законодательству Иордании. Автореф.дисс....канд.юрид.наук.-Т.: АП ТПК.1999.-12 с.



- битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш;

- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш;

- шахсининг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши;

- бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш;

- зарарни тўлаш;

- неустойка ундириш;

- маънавий зиённи қоплаш;

- ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш;

- давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги.

Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкин.

Мазкур усуллар хусусий мулкни ҳимоя қилишда ҳам ўзига хос ўринга эга ҳисобланади. Ушбу усулларни назарий жиҳатдан қуйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Мулк ҳуқуқини ашёвий ҳуқуқий усуллар билан ҳимоя қилиш. Бу усул мулк ҳуқуқини мутлоқ субъектив ҳуқуқ сифатида ҳимоялаб ҳеч қандай аниқ мажбуриятга боғлиқ бўлмаган ҳолатда мулкдорнинг ўзига тегишли бўлган ашёга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини тиклаш ёки ушбу ҳуқуқларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатларни бартараф этишни назарда тутди. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ашёвий ҳуқуқий усуллар жумласига: мол-мулкни бировнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиш даъвоси (виндикация), эгалик қилиш ҳуқуқининг бекор қилиниши билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш даъвоси (негатор даъвоси), мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги даъволари киради.

Хусусий мулк эгасининг ўзига тегишли мол-мулкни бошқа шахсни қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш даъвоси (виндикация лотинча *vim/dicere*- сўздан олинган бўлиб, куч қўлланилишини эълон қиламан деган маънони билдиради) қонуний эганинг ноқонуний эгадан мулкни натура ҳолида қайтариб бериш тўғрисидаги ношартномавий талаби ҳисобланади. Қонунчилигимизда виндикацион даъво қўзғатиш учун бир неча ҳолатлар мавжуд бўлиши назарда тутилади.

Биринчидан, мулкдор ўз тасарруфидан чиқиб кетган ўз мулкига фактик хўжайинлик қилишдан маҳрум бўлиши лозим. Акс ҳолда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бошқа усуллар қўлланилади.

Иккинчидан, мулкдор маҳрум қилинган мол-мулк натура ҳолида сақланиши ва ўзганинг фактик эғалигида бўлиши керак. Акс ҳолда бу ерда ҳам мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бошқа усуллар қўлланилади. Масалан, етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги даъво.

Учинчидан, виндикация фақатгина индивидуал белгиланган ашёни қайтаришга қаратилади. Бунда индивидуал (якка) белгиланган ашё билан бир турдаги ашёларни фарқлаш лозим. Агар бир турдаги ашёлардан ҳақиқий эганинг ашёсини ажратиб олишнинг иложи бўлса, унда бу турдаги ашёларга нисбатан ҳам виндикация қўлланилади. Агар ажратиб олишнинг иложи бўлмаса, виндикацион даъво эмас, асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган даъво қўлланилиши лозим.

Тўртинчидан, виндикацион даъво ношартномавий тус касб этади ва мулк ҳуқуқини мутлоқ субъектив ҳуқуқ сифатида ҳимоя қилади.

Шахс виндикация қилинаётган мулкнинг мулкдори бўлса, виндикация қилиш ҳуқуқига унинг ўзи эга бўлади. Лекин қонунчиликда виндикация қилиш ҳуқуқига мулкдор бўлмаган қонун ёки шартномага мувофиқ мулкка эгалик қилаётган шахслар ҳам эга бўлишлари кўзда тутилган. Бундай шахслар жумласига мол-мулкни ижарага олган, омонат сақлаётган, воситачилик қилаётган фуқаролар ва юридик шахслар киради. Фуқаролик ҳуқуқида бундай шахслар мулкнинг титул эгаси деб номланади.

Шахс гарчи шартнома асосида ўзганинг мол-мулкидан фуқаролик муомаласида фойдаланишаётган бўлишса ҳам, ана шу мол-мулк шахснинг эғалигидан чиқиб кетса ёки шахс уни йўқотса, исталган шахсдан шу мол-мулкни қайтаришни талаб қилиши мумкин.

Виндикацион даъвонинг предмети бўлиб мулкни ноқонуний эғаликдан қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Виндикацион даъво қўзғатишда виндикацион даъво қаратилаётган шахслар икки тоифага бўлинади. Гарчи, виндикацион даъво қаратилаётган шахслар-мулкни ноқонуний эғалари деб номлансада, улар инсофли ва инсофсиз эғалловчиларга ажратилади. Шу ўринда, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда мулкни ноқонуний эғалловчиларни инсофли ва инсофсиз эғалловчиларга бўлиш шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда муҳим муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсофсиз эғалловчидан ҳар доим ҳам мол-мулкни қўлга киритган пайтдан бошлаб олган даромадлари мулкдорга қайтарилади (ФКнинг 230-моддаси). Инсофли эғалловчидан эса у мол-мулк ўзига ноқонуний равишда ўтганлигини билган ва билиши лозим бўлган пайтдан

бошлаб олган даромадларинигина мулкдорга қайтарилади. Бу ҳолат эса, шахс манфаатларини ҳимоялашнинг энг муҳим воситасидир.

Инсофли эгалловчи деганда, мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олган, буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган шахслар тушунилади. Инсофсиз эгалловчи деганда, ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ва билиши лозим бўлмаган шахс тушунилади (ФКнинг 229-230-моддалари).

Хусусий мулк объекти мулкдор томонидан инсофли эгалловчидан ҳам инсофсиз эгалловчидан ҳам қайтариб олинади. Зеро, инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам мулкнинг қонуний эгаси ҳисобланмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрдаги “Ипотека тўғрисида” ги<sup>8</sup> Қонуннинг 34-моддаси 8-қисмига мувофиқ, агар гаров хати гаровга ўтказишга доир махсус ёзувларни киритган бирон-бир шахснинг эгалигидан ўғирланиши натижасида ёки бу шахснинг хоҳиш-иродасидан ташқари бошқача тарзда чиқиб кетган, гаров хатининг эгаси унга эга бўлаётганда буни билганлиги ёки билиши лозим ҳам бўлганлиги исботланган бўлса, у гаров хатининг қонуний эгаси деб ҳисобланмайди.

Хусусий мулк эгаси ўзига тегишли мол-мулкни талаб қилиб олаётганида қуйидагиларни ҳам талаб қилиб олишга ҳақлидир:

- ўз эгалигининг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахсдан (инсофсиз эгалловчи) ушбу шахс мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим бўлган барча даромадларни қайтариб беришни ёки тўлашни;

- инсофли эгалловчидан эса - у ўзининг эгалиги қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулкдорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб келган пайтдан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларни.

Ўз навбатида, инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад мулкдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларини тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли. Башарти, ашёни яхшилайдиган нарсаларни ашёга шикаст етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, инсофли эгалловчи мазкур нарсаларни ўзида қолдиришга ҳақли. Агар бундай нарсаларни ажратиб олиш мумкин бўлмаса, инсофли эгалловчи ашёни яхшилаш учун қилинган харажатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, лекин бу харажатлар ашёга қўшилган қийматдан кўп бўлмаслиги керак.

<sup>8</sup> Халқ сўзи.2006 йил 5 октябр.



Негатор даъво (лотинча, actio negatoria - инкор этувчи даъво) - бу ашёга эгалик қилувчи мулкдорнинг учинчи шахслардан мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш ҳақидаги ношартномавий талабидир.

Гарчи, фуқаролик муомаласини амалга ошириш мобайнида шахслар ушбу даъвога кўп ҳолатларда мурожаат қилмасаларда, лекин амалиётда ушбу даъвони қўллаш имконияти мавжуд. Масалан, тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириши лозим бўлган мол-мулк ундан олиб қўйилмасада, лекин унинг шу мол-мулкни ўз фаолиятида қўллашига тўсқинликлар юзага келиши мумкин.

2. Хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг иккинчи усули фуқаролик ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқий усуллар деб номланади. Ушбу усулларга мисол қилиб, мулкдорга етказилган зарарни қоплаш, асоссиз ортирилган мол-мулкни қайтариш, шартнома бўйича олинган шартномани қайтариш (шартнома бўйича ашё маълум муддатга эгалик учун, омонат учун ва фойдаланиш учун берилган бўлса). Ушбу усулларнинг барчаси учун қуйидаги умумий қоида амал қилади, яъни улар асосини ташкил этувчи омиллар мулк ҳуқуқи эмас, балки бошқа ҳуқуқий институтларга ва ушбу и институтларга тегишли субъектив ҳуқуқларга хосдир. Мулкдор ўзига тегишли мулкни ижарага бериб, ижара муддати тугагандан сўнг, ижарага олувчи мулкни мулкдорга қайтармаса, мулкдорнинг ҳуқуқлари мулк ҳуқуқи нормалари эмас, шартнома ҳуқуқи нормалари билан ҳимоя қилинади.

Одатда, фуқаролик ҳуқуқидаги кўпчилик шартномалар ўзганинг мол-мулкни вақтинчалик эгаллаш, фойдаланиш ва маълум маънода ундан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиб, мулкдорга қайтариш тўғрисида бўлади. Бундай шартномалар жумласига мулк ижараси, прокат, транспорт воситалари ижараси, бино ва иншоотлар ижараси, корхоналарни ижарага бериш, лизинг, ссуда, омонат сақлаш, гаров ва шу кабилар киради. Дарҳақиқат, ушбу шартномалар асосида мол-мулк ўзга шахснинг эгаллиги ва фойдаланишига ўтса, мулкдорнинг ҳуқуқлари фақатгина шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар асосида муҳофаза этилади.

Бошқача қилиб айтганда, мажбурият ҳуқуқий усуллари мулк ҳуқуқини бевосита эмас, балки сўнгги натижага боғлиқ ҳолатда билвосита ҳимоя қилади, яъни шартнома асосида эгалланаётган ёки фойдаланилаётган мол-мулк шартнома шартларига номувофиқ тарзда мулкдорга қайтарилмаганда ушбу усуллар мулк ҳуқуқи орқали ҳимоя қилинади.

Бир қатор ҳолатларда масалан, мулк нобуд бўлганда, тадбиркор мулкига нисбатан мулк ҳуқуқи ўз-ўзидан бекор бўлади ва бунда мажбурият ҳуқуқий

усуллар мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга эмас, мулкдорнинг мулкрий манфаатларини ҳимоялашга қаратилади. Ушбу ҳолатда мулкдорга унинг мол-мулки натура ҳолатида эмас, балки мол-мулкнинг қийматигина қайтарилади ва мулкдорнинг мол-мулки мавжудлик ҳолатини йўқотади.

3. Хусусий мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кейинги усулларига мулк ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг шундай усуллари кирадики, улар ашёвий ҳуқуқий ва мажбурият ҳуқуқий муносабатларга алоқадор бўлмасдан фуқаролик ҳуқуқининг турли институтларидан келиб чиқади. Масалан, бедарак йўқолган ёки ўлган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келганида унинг мулкрий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги қоидалар битим ҳақиқий эмас деб топилганда тарафларнинг мулкрий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гаров сақловчининг жавобгарлиги ҳақидаги, мерос қилиб қолдирилган мол-мулкни сақловчи ёки васийнинг мулкни нобуд қилиши ва йўқотиши ҳақидаги қоидалар.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб, мол-мулкни муҳофаза қилиш тадбиркорлик фаолиятида кенг қўлланилади. Айниқса битим ҳақиқий эмас деб топилганда, гаров масалаларида тадбиркор ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қоидалари муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бу қоидалари ФКнинг 113-128-моддаларида ва Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида” ги қонунида ўз ифодасини топган.

Маълумки, битим турли асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топилади ва бунда барча ҳолатларда тарафларнинг мол-мулклари уларнинг ўзларига қайтариб берилади. Фақатгина баъзи ҳолатларда мол-мулк давлат ихтиёрига ўтказилиши мумкин.

4. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кейинги усулига мулкдорнинг ҳуқуқларини бекор бўлишини қонунларда назарда тутилган асосларда ҳимоя қилиш билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий усуллар киради. Бунга хусусан давлат томонидан шахсларнинг мулкни давлат ихтиёрига нотўғри ўтказишдан ҳимояловчи кафолатлар киради. Бундай кафолатларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида ифодаланган мол-мулк давлат ҳимоясидадир деган қоида мисол бўлади.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда хусусий мулк ҳуқуқи объекти бўлиши мумкин бўлган объектлар турлари кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат бир томондан бозор муносабатларининг ривожланиб бориши натижасида, илгари хусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган объектларнинг ваколатли давлат органининг қарори билан хусусий мулк объектига айлантирилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан фан ва техниканинг ривожланиб бориши

билан боғлиқдир. Мазкур ҳолатлар хусусий мулкни ҳимоя қилишга нисбатан бир қатор янги қоидаларни татбиқ этишни талаб этади. Айниқса, интеллектуал мулк объектларига нисбатан хусусий мулкчиликнинг кенг жорий этилиши хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлоқ ҳуқуқларни ҳимоя этиш усулларини қўллашни тақозо этади. Бирок, интеллектуал мулк объектларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, хусусий мулк ҳуқуқи объекти ҳисобланган интеллектуал мулк объектини ҳимоя қилишда уларни одатдаги ашёлар каби ҳимоя қилиб бўлмаслигини, интеллектуал мулк объектларининг бошқа бир қатор ўзига хосликларини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир<sup>9</sup>.

ФКнинг интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усуллар билан амалга оширилади. Мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш шунингдек:

**- мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий объектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий объектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яратилган моддий объектларни олиб қўйиш орқали;**

- йўл қўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали;

- қонунда назарда тутилган бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Мазкур усулларни тўғридан-тўғри хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга татбиқ этиш мумкин бўлмасда, интеллектуал мулк объекти хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқарога ёки юридик шахсга тегишли бўлганда, шахс ўзининг хусусий мол-мулки (масалан, ихтирога патент олинганда у патент эгасининг хусусий мулки ҳисобланаши мумкин) га нисбатан мутлоқ ҳуқуқларни шу усул орқали ҳимоя қилиш мумкин.

Хулоса ўрнида хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усулларини амалиётга татбиқ этишда ушбу усулларни кенг жамоатчиликка тушунтириш ва фуқароларнинг бу борадаги билимларини ошириш зарурати юзага келганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, ҳар бир тадбиркор ўз мол-мулкини муҳофазалашни қонунда белгилаб қўйилган усул ва воситаларни англаб етиши ва улардан самарали фойдаланиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Гражданское право. Т.1./Под.ред.А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.- М.:Проспект.2003.-335 с.

<sup>9</sup> Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари.-Т.:ТДЮИ.2004.-17-27 б.

2. Зокиров И., Баратов М. Мулк нима? Мулдор ким?-Т.:ТДЮИ.2003.-11-12 б.
3. Мухаммадиев А.А. Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амал қилиш. Автореф. дисс... ю.ф.н.-Т.:2006.-10 б.
4. Гражданское право: В 2-х т. Т.1. Учебник./Отв. ред. Е.А.Суханов (Автор этой главы Е.А.Суханов). - М.: БЕК.1998.-39 с.
5. Гражданское право. Часть первая./Под ред. Т.И.Илларионова, Б.М.Гонгалло, В.А.Плетнева (автор этой главы Т.И.Илларионова).-М.:Норма-Инфра.1998.-28 с.
6. Azimjon, I. (2022). ZARAR–YURIDIK SHAXS ISHTIROKCHILARI VA BOSHQARUV ORGANLARI FUQAROLIK-HUQUQIY JAVOBGARLIGINING ZARURIY SHARTI SIFATIDA.
7. Гражданское право. Т.1./Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого.- М.:Проспект.2003.-29-30 с.
8. Аль-Марашдех Фахед Ахмед Халаф. Право собственности граждан по законодательству Иордании. Автореф. дисс....канд.юрид.наук.-Т.: АП ТПК.1999.-12 с.
9. Ibrohimov, A. A. M. O. G. (2023). IJARA MUNOSABATLARIDA IJARA HAQINI TO’LASH BILAN BOG’LIQ MASALALAR. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(2), 607-612.
10. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари.-Т.:ТДЮИ.2004.-17-27 б.
11. Имомов, Н. (2018). The tasks of the Civil Code: Regulation of Social Relations or Determination Of Rights. Юридик фанлар ахборотномаси, (1), 43-49.
12. ИМОМОВ, Н. (2017). CRITICAL ANALYSIS OF DIVISION OF LEGAL ENTITIES INTO TYPES. Юридик фанлар ахборотномаси, (1), 68-74.